

УДК

Арнасой кўллар тизими гидроэкологик ҳолати барқарорлигини таъминлашнинг асослари

Маматов С.

САНИИРИ

Арнасой кўллар тизими XX асрнинг 60-йиллари охирида Чордара сув омборидан $21,8 \text{ км}^3$ (1969 йилда) миқдордаги дарё сувини Арнасой ботифига ташланиши натижасида вужудга келган. Ҳозирги кунда Арнасой кўллар тизими Шарқий Арнасой, Тузкон ва Айдаркўл кўлларини бирлаштиради.

Арнасой кўллар тизими ва унинг ҳозирги кундаги ҳолати

Арнасой кўлларининг замонавий гидрохимик режими уларга ташланадиган дарё ва зовур сувлари миқдорлари каби антропоген омилларга боғлиқ бўлиб, кўллар сувлари Алёкин синфлаштириши бўйича сульфат синфи, натрий гурӯҳи II типга (S_{II}^{Na}) мансубдир.

Санитар-экологик ҳолати бўйича Арнасой кўллар тизими сувлари сув сифатининг II-синфига мансуб бўлиб, амалда тоза сув ҳисобланади. Кўллар сувлари сифати йил фасллари давомида ўзгариб туради, яъни қиши-баҳорда кам ифлосланган, ёз ойларида тоза, кузда эса амалда тоза сув каби тавсифланади.


Арнасой кўллар тизими сувларининг тузлик даражаси 6 ва 7 синфлар орасида ўзгариб, кам ва кучли шўрланган сувлар қаторига киради. Бундай сувда одатда мезогалин турига кирувчи гидробионтлар истиқомат қиласди.

Минераллашганлик даражаси ва сувдаги асосий ионларнинг (сульфатлар, хлоридлар, магний) миқдорлари бўйича кўллар тизимининг сувлари суғоришга ишлатиладиган сувларга қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб бера олмайди.

Арнасой кўллар тизими аввал бошда фақатгина Мирзачўлнинг суғориладиган майдонларидан ташланадиган зовур сувлари (миқдори - 1,5-2,8 $\text{км}^3/\text{йил}$) ҳисобига тўйинган бўлса, XX асрнинг 90-йиллари ўрталаридан бошлаб Қирғизистон томонидан Тўқтоғул сув омборини ирригация-энергетика режимидан энергетика режимига ўтказилиши сабабли Чордара сув омборидан Арнасойга ташланадиган сувлар миқдориининг кескин ошиши оқибатида Сирдарё дарёсининг қишики сувлари Арнасой кўллари ҳолатини белгиловчи асосий омиллардан бўлиб қолди.

Шундай қилиб, ҳозирги даврда Чордара сув омборидан ташланадиган дарё сувлари ($0,5-4,0 \text{ км}^3/\text{йил}$) ва Мирзачўлнинг суғориладиган майдонларидан ҳосил бўладиган зовур сувлари ($1,5-2,8 \text{ км}^3/\text{йил}$) Арнасой кўллар тизимининг асосий тўйиниш манбалари саналадилар.

Кўллар тизимида дарё сувлари асосан йилнинг қиши-баҳор мавсумида (январ ойидан то май ойигача) ташланади ва уларнинг миқдори йилига одатда $0,4 \text{ км}^3$ дан (2006 йил) $4,7 \text{ км}^3$ гача (2003 йил) оралиқда ўзгаради (1-расм).



1-расм – Чордара сув омборидан Арнасой күллар тизимиға ташланаётган дарё сувлари миқдорининг ўзгариши


Мирзачўлнинг суғориладиган майдонларидан Арнасой күллар тизимиға ташланаётган зовур сувлари миқдори йилнинг кўп ёки кам сувлилигига боғлиқ равишда ўзгаради ва қуидаги миқдорларни ташкил қиласди:

- кўп сувли йилларда - 2,8 км³/йил;
- ўртacha сувли йилларда - 2,1 км³/йил;
- кам сувли йилларда - 1,5 км³/йил;


Кўллар тизимиға ташланаётган дарё сувлари миқдорини кескин ортиши кўллар сув сатҳини кўтарилиши ва янги-янги майдонларни сув босишига сабаб бўлди ва бу ҳолат 2006 йилгача давом этди. Кўлларга ташланаётган дарё сувлари миқдорининг охирги икки йилда (2006-2008 йилларда) камайиши натижасида кўллар сув сатҳининг бирмунча пасайиши юз берди (2-расм).

Шундай қилиб, Арнасой кўллар тизими барқарор ҳолатини белгиловчи асосий манбалар – кўлларга ташланаётган дарё ва зовур сувлари миқдори экан, кўллар ҳолати барқарорлигини таъминлаш мазкур сувлар оқимини бошқариш орқали амалга оширилади.

Кўллар тизимиға ташланаётган сувларнинг керагидан ортиқлиги янги майдонларни сув босишига олиб келса, ташланаётган сувлар миқдорининг кескин камайтирилиши кўллар сувлари эгаллаган майдонларни қуриши ҳамда туз кўчувчи майдонлар ҳосил бўлиши хавфини юзага келтиради.



а) Арнасой кўлларидаги сув миқдорининг ўзгариши




б) Арнасой кўллари умумий майдонининг ўзгариши

2-расм – Арнасой кўллар тизими сувлари умумий миқдори ва кўллар умумий майдонларининг хронологик тарзда ўзгариши


Бундай шароитда кўллар барқарорлигини таъминлаш учун уларга ташланяётган дарё ва зовур сувлари миқдорларини оптимал даражада ушлаб туриш лозимдир.

Кўллар тизими ҳолати кўрсаткичларини ўзаро боғлиқликлари


Ўрта Осиё ирригация илмий тадқиқот институти (САНИИРИ) сув ресурслари муҳофазаси бўлимида олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида кўллар морфометрик кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлик қонуниятлари аниқланган. Мазкур қонуниятлар кўлларнинг умумий сув балансини тузиш орқали улардаги амалдаги сув микдори, сув сатҳи ва кўллар эгаллаб турган майдонлар катталикларини аниқлашга имконият яратади (3, 4, 5-расмлар).



3-расм. Кўллар сув сатҳини кўллардаги сув микдорига боғлиқлиги



4-расм. Кўллар тизими умумий майдонини кўллардаги сув микдорига боғлиқлиги



5-расм. Кўллар тизими умумий майдонини кўллардаги сув сатҳига боғлиқлиги

Арнасой кўллар тизимиға ташланаётган сувлар миқдорининг ўзгариши

Тадқиқотлар доирасида кўлларга ташланаётган сувлар миқдорини бошқаришнинг бир неча варианtlари кўриб чиқилиб, уларда қуйидаги варианtlар асосида кўллар сув миқдорларини ўзгаришлари кўллар сувлари балансини тузиш орқали баҳоланганд.

1. Чордара сув омборидан ташланаётган дарё сувлари миқдорини турли даражаларда (10 % дан 100 % гача) камайтирилиши;
2. Дарё сувлари миқдорини камайтириш даражаларининг ҳар бири доирасида зовур-заҳкаш сувлари миқдорларини ҳам (10 % дан 50 % гача) камайтириш;
3. Кўллар тизимиға қелаётган сувлар миқдорини ўзгартирмай қолдириш, яъни “хеч нарса қилмаслик” варианти.

Тадқиқ қилинган варианtlарда Арнасой кўлларига Чордара сув омборидан ташаланаётган дарё сувлари миқдорини 10, 20, 30 ... 100 % гача камайиши ҳолатлари уч хил (кўп, ўртacha, кам) сувли йиллар учун кўриб чиқилган. Бунда дарё суви миқдорининг негиз кўрсаткичлари сифатида қуйидаги миқдорлар танланган:

- кўп сувли йил учун – 4,0 км³/йил;
- ўртacha сувли йил учун - 2,48 км³/йил;
- кам сувли йил учун - 1,24 км³/йил;

Кўлларга ташланаётган зовур-заҳкаш сувларини эса 10, 20, 30, 40 ва 50 % ларга камайтириш ҳолатлари кўриб чиқилган. Бунда зовур-заҳкаш сувлари миқдорининг негиз кўрсатклари қуйидаги миқдорларга teng қилиб олинган:

- кўп сувли йил учун – 2,8 $\text{км}^3/\text{йил}$;
- ўртача сувли йил учун - 2,1 $\text{км}^3/\text{йил}$;
- кам сувли йил учун - 1,5 $\text{км}^3/\text{йил}$;

Бажарилган ҳисоб-китобларнинг натижалари ҳозирги кунда (кўллар умумий майдони 3500 км^2 атрофида бўлган ҳолатда) Арнасой кўллар тизими умумий сув баланси сарф қисмининг умумий миқдори $5,26 \text{ км}^3/\text{йил}$ га тенг эканлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун кўллар тизимига ташланадиган сувлар умумий миқдорини $5,0 \text{ км}^3/\text{йил}$ атрофида бўлиши кўллар гидроэкологик ҳолати барқарорлигини таъминлашга хизмат қиласди.

Арнасой кўллар тизими барқарорлигини таъминлаш бўйича таклифлар

Турли сувли йиллар ҳолатлари учун тузилган сув баланслари натижалари асосида қуидагиларни тавсия қилиш мумкин:

- кўп сувли йилларда кўллар тизимига ташланадиган сувларнинг умумий миқдори $5,0 \text{ км}^3/\text{йил}$ дан ортаслиги йўналишида келаётган сувларни камайтириш тадбирларини олиб бориш лозим;
- ўртача сувли йилларда келаётган сувларни бошқариш алоҳида тадбирларни уюштириш талаб этилмайди;
- кам сувли йилларда кўллар тизимидағи сувларни камайиши оқибатида юзага келадиган тузли майдонларда туз қўчишини олдини олиш ёки бартараф этиш йўналишидаги тадбирларни амалга ошириш лозим.

Кўп сувли йилларда Арнасой кўллар тизимига ташланадиган дарё сувларини камайтириш тадбирларини амалга оширишда Сирдарё дарёси сувидан фойдаланувчи барча давлатлар сув хўжалиги обьектларини эксплуатация қилувчи ташкилотларнинг сув хўжалиги фаолиятларини мувофиқлаштирилган тарзда олиб борилишига эришиш лозим.

Кўлларга ташланадиган зовур сувлари миқдорини камайтириш учун эса зовур-заҳкаш сувлари шаклланишини камайтириш, зовур сувларини сугоришга ишлатиш ва сугориладиган майдонларда уюштириладиган бошқа тадбирларни амалга ошириш энг маъқул саналади.

Кўллар тизими сувлари миқдорини ростлашни кўллар сувининг сугоришга ишлатиладиган қисмини бошқариш орқали амалга ошириш ҳам мумкин, лекин бу тадбир муаммони қисман ечилишига имкон беришини эътироф этиш лозим.

Шундай қилиб, Арнасой кўллар тизими ҳолатини барқарорлаштириш тадбирлари асосан кўллар тизимига ташланадиган дарё ва зовур сувлари миқдорларини бошқариш йўналишида олиб борилиши, яъни тадбирлар кўп сувли йилларда келаётган сувлар миқдорини камайтириш, кам сувли йилларда келаётган сувлар миқдорини иложи борича кўпайтиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Бунда кўллар тизимига ташланадиган дарё ва зовур сувларининг миқдори кўллар тизимининг жорий ҳолатидан келиб баҳоланиши, башоратланиши ва бошқарилиши лозим.